



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхураевна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Махкамов Қодиржон Одилжонович

*PhD, катта ўқитувчи
Наманган давлат университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич

*PhD, доцент
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Зухра Арипова МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	4
2. Шавкат Амонтурдиев МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙЙ ОМИЛЛАР.....	13
3. Махбуба Баратова КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ.....	20
4. Шухрат Бозоров АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ.....	29
5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ.....	35
6. Гулчехра Раҳимова ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	51
7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ.....	59
8. Шохжаҳон Рашидов АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	65
9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров XIX АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ.....	72
10. Равшан Сиддиқов ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР).....	78
11. Сарвар Қулдашев МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	91
12. Sadoqat Xo'ja yorova XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	98

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шавкат Сафаралиевич Амонтурдиев,
Термиз давлат университети мустақил изланувчиси
sh.amonturdiyev@mail.ru

МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙ ОМИЛЛАР

For citation: Shavkat S.Amonturdiyev, NATURAL FACTORS IN THE POLITICAL UNION OF THE NOMADIAN PEOPLES OF CENTRAL ASIA. Look to the past. 2020, vol. 8, issue 3, pp.13-19

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф Марказий Осиё кўчманчи халқларида илк “сиёсий бирлашма” ларнинг вужудга келиши ва тарқалиб кетишининг назарий масалалари, омиллари, сабаблари ва уларнинг яшаш ареаллари ҳақида сўз юритган

Калит сўзлар: Марказий Осиё кўчманчи халқлари, Саклар, Массagetлар, кўчманчи қабилалар манзилгохлари, кўчманчилар хўжалиги, “сиёсий бирлашмалар”, кўчманчи қабилаларда иттифоқлар, Авесто ва қадимги тарихчилар асарлари

Шавкат Сафаралиевич Амонтурдиев,
независимый исследователь Термезского
государственного университета.
sh.amonturdiyev@mail.ru

ПРИРОДНЫЕ ФАКТОРЫ В ПОЛИТИЧЕСКОМ СОЮЗЕ КОЧЕВЫХ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В статье автор рассматривает теоретические вопросы, факторы, причины возникновения и распространения первых «политических объединений» у кочевых народов Средней Азии и мест их обитания.

Ключевые слова: кочевые народы Средней Азии, саки, массагеты, кочевые племенные поселения, кочевое хозяйство, «политические объединения», союзы в кочевых племенах, труды Авесто и древних историков.

Shavkat S. Amonturdiyev,
Independent researcher of
Termez state university
sh.amonturdiyev@mail.ru

NATURAL FACTORS IN THE POLITICAL UNION OF THE NOMADIAN PEOPLES OF CENTRAL ASIA

ABSTRACT

In the article the author examines theoretical issues, factors, reasons for the emergence and spread of the first "political associations" among the nomadic peoples of Central Asia and their habitats.

Index Terms: nomadic peoples of Central Asia, Saks, Massagets, nomadic tribal settlements, nomadic economy, "political associations", unions in nomadic tribes, works of Avesto and ancient historians.

1. Долзарблиги:

Ўзбек давлатчилиги тарихида тарихий минтақалар Бактрия-Тохаристон, Сўғд, Хоразм, Фарғона, Шош тарихларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган [1]. Шу тарихий ҳудудлар билан бақамти яшаб келган Ўрта Осиё кўчманчи халқлари тарихи тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Марказий Осиё кўчманчи халқлари ҳақидаги қадимги ёзма манбаларга эътибор қаратадиган бўлсак, кўп ҳолларда уларнинг хилма-хил номга эгаллиги ва минтақанинг кенг ҳудудларини эгаллаганини биламиз. Аммо уларни яшаш тарзи, маданияти, давлатчилиги ва бошқа жиҳатлари тарихини ўрганилиш ҳолатини ўтроқ халқлар билан солиштирганда яқол фарқни сезиш мумкин бўлади.

Жаҳон халқлари тарихида кўчманчи халқлар ва улар яратган маданиятга муносабат ўзгармоқда. Кўчманчи халқларда сиёсий бирлашмаларнинг шаклланиши, шу асосда илк давлатчилик шаклланининг ўрнатилиши, бошқарув тизими, сиёсий бирлашмаларнинг тез шаклланиб ва тез тарқаб кетиш сабабларини ўрганиш ҳалигача биз учун тўла маълум эмас.

Ўзбек халқининг шаклланишидаги асосий этник бирликлардан бири сифатида тарихчилар томонидан эътироф этиладиган кўчманчи Сак-Массагет қабилалари тарихини чуқурроқ ўрганиш ўзбек давлатчилиги шаклланишига оид янгидан янги маълумотларни беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

В.М.Массон Ахамонийларгача бўлган Марказий Осиёнинг сиёсий харитасини кўйидагича тасаввур қилади: «Бактрияда йирик сиёсий бирлашма (давлат) бўлган, унинг маданий ва сиёсий доираси Марғиёна, мумкинки, Арийлар ва Сўғдийларгача ёйилган. Иккинчи сиёсий куч кўчманчилар дунёсидир. Уларнинг ҳар хил конфедерацияси бўлган ва турли кўчманчи қабилаларни бирлаштириб турган. Мил. ав. VI аср ўрталарида гегемонлик ролини Массагетлар бажарган [2]».

Кўчманчилар дунёсида илк синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг ривожланиши тўғрисида фанда ҳар хил ғоялар кураши мавжуд. А.И. Першиц ва А.М. Хазановлар, "кўчманчилар ўз ҳолича фақат илк синфий муносабатлар даражасигача ўсиши мумкин. Кейинги ривож фақат кўшни деҳқон ва шаҳар жамоаси таъсирида ривожланади" деган бўлса [3], Ю.В. Павленко, "кўчманчилар дунёси ўз ҳолича, яъни цивилизациялашган кўшни жамоалардан ташқарида ривожланганда, уларга бўйсунган деҳқон ва шаҳар жамоалари бўлмаганда, улардан солиқлар йиғилмаганда ва ниҳоят уларнинг бир гуруҳи ўтроқлашмаганда, ўтроқлашган ҳудудларда шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши жараёнлари кечмаганда кўчманчилар жамоаси ҳаттоки илк синфий муносабатлар даражасига ҳам чиқа олмаган бўларди", деб ҳисоблайди [4].

Бу фикрлар кўчманчи халқлар яратган моддий маданиятга эътиборсизлик ва уларнинг яшаш тарзини яхши англамаслик натижасида пайдо бўлган.

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Марказий Осиёда яшаган кўчманчи Сак ва Массагетларда қабилалар иттифоқи деб аталадиган "сиёсий бирлашма" ларнинг шаклланиш омилларига эътибор қаратилган .

3. Тадқиқот натижалари:

Марказий Осиё ҳақидаги ёзма манбалардаги маълумотлар илк маротаба Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да учрайди. «Мен Ахурамазда пок ният

ила яратган ўлкалардан ўн олтинчиси-хукм дори бўлмаган (ҳеч кимга бўйин эгмас) отликларга тўла Ренгай бўлди . [5] » (Зенд-Авесто. I фаргард). Ренгай - олти-етти хил тахминлар ичида, иккитаси бизнинг худудимизга таълуқли: Рагу-Яксарт ва массагетлар. Ушбу хилма хил фикрлардан фарқли ўларок «Авесто» яратилган худуд ва давр нуктаи назаридан қарасак, бу маълумот бизга чорвадорлар, кўчманчилар юртига алоқадор деган фикрга келишимизга асос бўлади.

Марказий Осиё кўчманчилари ҳақида Геродот: «Массагетлар одами кўп ва жангавор халқ шарқда, Араксинг нариги қирғоғида яшайди. Араксда Лесбосга тенг ороллари кўп. Оролларнинг аҳолиси турли илдизларни овқат қилишади. Буларни ёзда ейишади, қишда баъзи бир дарахт мевалари билан тирикчилик қилишади. Бу меваларни ҳам ёз пишиғида териб ғамлашади» [6] деб ёзган бўлса, Страбонда: «Массагетларни бир қисми тоғларда, бир қисми текисликларда, учинчи бир қисми дарёлар туғдирадиган ботқоқларда, тўртинчи бир қисми ботқоқликдаги оролларда яшашади....., Кумуш уларда йўқ, темир, мис ва тилла серобдир. Оролларда яшовчи массагетлар, экин тикинлари бўлмаганидан илдиз ва мева-чева ейишади, уларни сиқиб шарбатини ичадилар. Ботқоқликдагилари балиқ, тоғда яшовчилари ёввойи мева дарахтлари ва гўшт, текисликда яшовчилари, ерлари бўла туриб унга ишламайди, чорва, балиқ гўшти билан озиқланади» [7] деган маълумот қолган.

Марказий Осиё кўчманчилари ҳақида антик даврнинг бошқа тарихчилари асарларида шунга ўхшаш кўплаб маълумотларни учратамиз. Келтирилган бундай маълумотлар кўчманчилар юртининг географик ўрни, табиати ва чегарадош мамлакатлари ҳақида маълумотлар беради. Энди ушбу маълумотларга этибор қаратадиган бўлсак, шарқдаги кўз илғамас кенгликлар, дарё қирғоқлари, дельталари ёки ороллари, тоғлар, тоғ- олди ва водийлар, ботқоқликлар каъби маълум бир географик бирликлар тилга олинади. Кўчманчиларнинг ушбу худудларда истиқомат қилганлиги уларнинг яшаш тарзида табиий-географик худуднинг шароити ва иқлим ўзгаришлари ғоят муҳим ўрин тутганлиги ўз-ўзидан маълум.

Марказий Осиёдаги сўнги 50-100 йилги экошароитни ҳисобга олиб, биз тадқиқ этаётган давр ва ундан кейинги даврларда ҳам бу каби кескин ўзгаришларни доимий суратда давом этган дея оламиз. Бундай доимий об -ҳаво ўзгаришлари ушбу худудларда яшайдиган халқлар ҳаёт тарзига ўз таъсирини ўтказиб келган.

«Авесто» нинг энг қадимги Гат қисмларида аҳолининг, кўп қисми асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан деҳқончиликдан кўра чорвачилик билан кўпроқ шуғулланганлиги эътироф этилади [8].

Зардуштийликнинг илк ватани Марказий Осиё эканлигини деярли барча забардаст тарихчи олимлар эътироф этганлар. Жумладан В.И.Абаев «..... зардуштийлик Шарқий Эронда, ўтроқ маданият ва Скиф кўчманчилари кўшни яшаган худудларда шаклланган», деб ёзган бўлса, М.М. Дьяконов «Авесто» нинг қадимги қисмлари Бактрияда битилган деб ҳисоблайди [9]. И. Алиев «Авесто» шарқий Мидия ва Марказий Осиё кенгликларида бунёд этилган деб ўйласа, К.В. Тревер Сўғдни, И.М. Дьяконов эса Бактрия ёки Хоразмни «Авесто»нинг ватани деб ҳисоблайдилар [10]. Ўзбек Авестошунос олими М.Исҳоқов «.....Хоразм, Сўғд ва унга туташ ўлкалар» ни «Авесто» яратилган худуд сифатида билади [11].

Келтирилган хулосалардан, бизнинг татқиқотимизга боғлиқлиги «Авесто» вужудга келган деҳқончилик воҳаларига кўшни ерларда кўчманчи чорвадорлар яшаганлиги эътироф этилади. Кўчманчилар дунёсини ўтроқ деҳқончилик воҳаларидан айро тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан «Авесто» да ўтроқ деҳқончилик воҳалари билан кетма кетликда кўчманчилар тилга олинган(Зенд-Авесто. I фаргард) [12] .

Кўчманчи халқлар ўзлари яшаган худудга мос хўжалик, асосан чорвачилик, баъзида деҳқончилик билан ҳам шуғулланган. Страбон массагетлар ҳақида: «..... текисликда яшовчилари ерлари бўла туриб уни ишламайдилар» [13] деб ёзган бўлса, Сак қабилалари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар бор. «Қишлоқ ва шаҳарлари йўқ. Аравада яшашади, фақат чорвачилик билан шуғулланади». Ктесий эса Сакларнинг деҳқончилик

билан шуғулланиши ва оз бўлса-да шаҳарлари борлиги хусусида ёзган[14] . Помир қишлоқ хўжалигини ўрганган биолог олим А.В. Гурский Қизил Работ районининг 4300 метр балндлигида қадимий деҳқончилик изларини топган. Улар текисланган далалар, каналлар ва суғориладиган жўяклар кўринишида бўлган[15] .

Келтирилган мушоҳадалар кўчманчиларнинг бошқа-бошқа қабилалари ҳақида кетаётганлиги сабабли турлича. Биринчи навбатда бу қабилаларни яшаш ҳудудлари, табиий-шароитига боғлиқ. Чорвадорлар чорвани изидан юрган, деҳқончилик учун қулай ҳудудларда яшаган кўчманчи қабилалар бора-бора деҳқончилик билан шуғулланишиб, ўтроқлаша борган.

Тадқиқотларга кўра кўчманчи чорвачилик тараққиёти секин кечган ва шаклланиш жараёни бир хил кечмаган, кўчманчилар дунёси тараққиёти географик шароит, ижтимоий омиллар, экологик вазиятга боғлиқ бўлган [16] .

С.И.Руденко кўп изланишлардан кейин келган фикри шуки, бу ҳолат ёппасига ва Евроосиёда кўчманчилар манзилгоҳларини ўтроқлашиш жараёни нисбатан тез кечган [17] .

Ҳақиқий кўчманчиларнинг кўчиши доимий давом этиб маълум бир вақтда чорвадорлар қирилиб кетмаслиги учун бу қоидага амал қилишмаган. Аксинча улар ўтроқлашишга ҳаракат қилган, ўтроқ ва деҳқончилик билан шуғулланувчилар билан турли шаклда муносабатларга киришган, унинг фикрича бунга географик омиллар сабаб бўлган. Олтойдаги Сакларга оид мозор-қабрларда олиб борилган археологик қазималар натижасида юқоридаги фикрларни тасдиқлайдиган далиллар топилди ва бу маълумотлар сакларни(скиф) бу минтақада кенг миқёсда ўтроқлашганини кўрсатади [18] .

4.Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйдагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Ўтроқ халқларга қўшни яшаган кўчманчи қабилаларда ўтроқлашиш жараёни тез кечган. Минтақанинг барча кўчманчилари тўлиқ ўтроқлашмаган ва уларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин :

1. Аниқ чегаралари (чегараланмаган) бўлмаган ҳудудларда яшовчи кўчманчи қабилалар.

2. Аниқ белгиланган (чегараланган, ўзгармас) ҳудудларда яшовчи кўчманчилар.

3. Ўтроқ воҳаларга қўшни ёки деҳқончилик учун қулай ерларда яшовчи кўчманчилар.

Булардан учинчи гуруҳнинг ўтроқлашуви нисбатан тезроқ кечган. Улар асосий машғулоти ҳисобланган чорвачиликнинг таъсирида ўтроқ воҳалар ёки деҳқончилик учун қулай ерлар атрофида фаслларга қараб, мавсумий кўчишган ва тезроқ ўтроқлаша борган.

1-жадвал

Кўчманчиларнинг ўтроқлашиш жараёни



Демак, Марказий Осиё кўчманчилари сиёсий бирлашмаларининг вужудга келишидаги табиий омил билан боғлиқ ҳолатлар бу конфедерацияларнинг барқарорлиги ва узоқ вақт сақланишида муҳим ўрин тутган. Конфедерация таркибидаги қабилалардан айримлари иқлим ўзгаришлари туфайли яшаш ҳудудларини мажбурий-ихтиёрий равишда ўзгартирган. Бу силжишлар, вужудга келган иттифоқларда инкироз ва кейинчалик парчаланишни келтириб чиқарган. Ушбу иттифоқларни узоқ давом этиши кўчманчиларни аниқ кўчиш ареаллари ичида яшашига боғлиқ. Шундагина улар кучли сиёсий бирлашмага айлана олади десак, муболаға бўлмайди.

Кўчманчи қабилаларда қабилалар иттифоқининг вужудга келишида табиий омилларни маълум ўрни бор. Буларнинг айримларини мисол тариқасида келтирамиз:

1. Иқлим ўзгаришлари шулардан бири бўлиб, табиатнинг совуқ ёки қурғоқчил келиши қабилаларнинг кўчишига сабаб бўлган.

2. Табиат инжиқликлари натижасида қулай географик ҳудудлар учун бўладиган доимий ҳарбий низоларни янада кучайиши.

3. Юқумли касалликлар, турли хил эпидемиялар ва бошқалар.

2- жадвал

Марказий Осиё кўчманчи қабилаларда иттифоқларнинг вужудга келишида табиий омиллар



Иқтибослар/Сноски/References:

- [1] Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993; Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. на соиск. д.и.н. - М., 1989; Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Ташкент, 2002; Анорбоев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида Қадимги Фарғона ва Ахсикент. Ўзбек давлатчилиги тарихида Қадимги Фарғона. Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарининг маърузалари матнлари.(15-16 май, 2001 йил. Наманган шаҳри), Самарканд, 2001; Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. Ўзбек давлатчилиги тарихида Қадимги Фарғона. Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарининг маърузалари матнлари.(15-16 май, 2001 йил. Наманган шаҳри), Самарканд, 2001. (Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age in the south of Central Asia. Samarkand, 1993; Sagdullaev A.S. Settled areas in the south of Central Asia in the early Iron Age (genesis of culture and socio-economic dynamics). Author's abstract. dis. for a job. Doctor of History - M., 1989; Isamiddinov M.Kh. The origins of the urban culture of Samarkand Sogd (problems of interaction of cultural traditions in the era of the Early Iron Age and in the period of antiquity). - Tashkent, 2002; Anorboev A. Ancient Fergana and Akhsikent in the history of Uzbek statehood. Ancient Fergana in the history of the Uzbek statehood. Texts of reports of the Republican Scientific Seminar "History of the Uzbek People and Statehood" named after Academician Yahyo Fulomov (May 15-16, 2001, Namangan), Samarkand, 2001; Matboboev B.Kh. Fergana in the

- early stages of Uzbek statehood. Ancient Fergana in the history of the Uzbek statehood. Texts of the reports of the Republican scientific seminar "History of the Uzbek people and statehood" named after academician Yahyo Fulomov (May 15-16, 2001, Namangan), Samarkand, 2001)
- [2] Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959 . - № 73. –С. 62. (Masson V.M. Ancient agricultural culture of Margiana. MIA, 1959. - No. 73. –S. 62).
- [3] Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников. Основные проблемы африканистики: Этнография. История. Филология. - М., Наука, 1973. – С. 3-23; Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. – Москва: Наука, 1975. – С. 275. (Pershits A.I. On the question of social relations among the nomads. The main problems of African studies: Ethnography. History. Philology. - M., Nauka, 1973. – S. 3-23; Khazanov A.M. Social history of the Scythians: The main problems of the development of the ancient nomads of the Eurasian steppes. - Moscow: Science, 1975. – P. 275).
- [4] Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. Киев, 1989. –С.71. (Pavlenko Yu.V. Early class societies. Genesis and development paths. Kiev, 1989. –P.71).
- [5] Зоҳир Аълам. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Терма парчалар (таржима). Тошкент., «Юрист-Медиа Маркази», 2008., 53-бет. (Zohir Alam. Ancient historians about Central Asia. Combined pieces (translation). Tashkent., "Lawyer-Media Center", 2008. –P. 53).
- [6] Геродот. Тарих, I. –С. 201, 203, 204, 205. (Herodotus. History, I. –S. 201, 203, 204, 205).
- [7] Страбон. География, XI, 8. –С. 6-8. (Strabon. Geography, XI, 8. –S. 6-8.)
- [8] Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. С А. Том-ХИХ, 1954. –С.54.(Dyakonov M.M. The formation of a class society in Northern Bactria. From A. Tom-XIX, 1954. –P.54).
- [9] Абаев.В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. «Archiv Orientalni» ,XXIV, 1956. –С. 23-36; Дьяконов М.М. Очерк истории древнего Ирана. М., 1961. –С. 60, 73. (Abaev V.I. Scythian life and the reform of Zoroaster. Archiv Orientalni, XXIV, 1956. –С. 23-36; Dyakonov M.M. Essay on the history of ancient Iran. M., 1961. –S. 60, 73.)
- [10] Алиев И. Истории Мидии, 1, Баку, 1960.С- 24; Тревер К.В. Го падшах-пастух-царь// ТОВЭ, II, 1940. –С.85; Дьяконов М.М. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н. э.,М.-Л., 1956. –С. 390. (Aliyev I. History of the Medes, 1, Baku, 1960, p. 24; Trever K.V. Go padshah-shepherd-king // TOVE, II, 1940. –С.85; Dyakonov M.M. The stories of Media from ancient times to the end of the 4th century BC e., M.-L., 1956. –S. 390).
- [11] Исҳоқов М. «Авесто»-тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмасидир. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Тошкент-Урганч, 2001, 5-бет. (Iskhakov M. Avesto - the source of our historical and spiritual world. Avesto and its role in human development. – Tashkent-Urgench, 2001. –P.5.)
- [12] Зоҳир Аълам. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Терма парчалар (таржима). Тошкент., «Юрист-Медиа Маркази», 2008., 52-53-бет. (Zohir Alam. Ancient historians about Central Asia. Combined works (translation). Tashkent., "Jurist-Media Center", 2008. – S. 52-53).
- [13] Страбон. География, XI, 8. –С. 6-8. (Strabon. Geography, XI, 8. –S. 6-8.)
- [14] Пьянков.И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. Т.Д. Ноябрь. 1975, Ленинград, 1975. –С 85. (Pyankov.I.V. The social structure of the early nomads of Central Asia according to the data of ancient authors. Early nomads of Central Asia and Kazakhstan. Etc. Nov. 1975, Leningrad, 1975. –С. 85).
- [15] Баранов П.А., Гурский А.В., Остапович Л.Ф. Земледелие и сельскохозяйственные культуры Горно-Бадахшанской автономной области Таджикиской ССР, Душанбе, 1964(АН ТаджССР. Памирская база, Т.2). –С.63-64. (Baranov P.A., Gursky A.V., Ostapovich L.F. Agriculture and agricultural crops of the Gorno-Badakhshan Autonomous

Region of the Tajik SSR, Dushanbe, 1964 (Academy of Sciences of the Tajik SSR. Pamir Base, Vol. 2). –S.63-64.)

- [16] Масанов Н.Э. Кочевая цивилизация казахов. Алматы, 1995; // Цитирую по статье И.В.Ерофеевой «События и люди казахский степи(Эпохи позднего средне-вековая и нового времени, как объект исторической ремистификации)»; // Масанов. Н.Э., Абылхожин Ж.Б., Ерофеева И.В. Научное значение и мифотворчество в современной историографии Казахстана. Алматы, 2007. –С. 208. (Masanov N.E. Nomadic civilization of Kazakhs. Almaty, 1995; // I am quoting from the article by IV Erofeeva "Events and people of the Kazakh steppe (Epochs of the late Middle Ages and modern times, as an object of historical remistification)"; // Masanov. N.E., Abylkhozhin Zh.B., Erofeeva I.V. Scientific significance and myth-making in modern historiography of Kazakhstan. Almaty, 2007. –S. 208).
- [17] Руденко С.И. Культура поселения Центрального Алтая в скифское время. М.-Л., 1960. –С. 59. (Rudenko S.I. The culture of the settlement of Central Altai in the Scythian time. M.-L., 1960. –S. 59.)
- [18] Руденко С.И. К вопросу о формах скотоводческого хозяйства и о кочевниках. М.-Л., 1961. –С. 97. (Rudenko S.I. On the question of the forms of cattle breeding and nomads. M.-L., 1961. –S. 97.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000